Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 12 МАЙ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 97 (13.160)

Баҳоси эркин нархда

“ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ ҲАМОН ДАВОМ ЭТАЁТГАНИГА ҚАРАМАЙ, ЎЗБЕКИСТОНДА БАРЧА СОҲАДА БАРҚАРОР ЎСИШ КУЗАТИЛМОҚДА”

Яқинда Берлинда мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига бағишлаб ўтказилган тақдимот маросими барчада катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилган тадбирда ушбу давлат ижтимоий-сиёсий, ишбилармон доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Маросимда республикамизнинг замонавий иқтисодий тараққиёти, саноатни модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнлари, сармоявий муҳитни янада такомиллаштириш, ижтимоий соҳа ҳамда инфратузилмаларни ривожлантиришга йўналтирилган давлат дастурлари ҳақидаги маълумотлар йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирда ГФР ишбилармонлари “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналарида хорижлик сармоядорлар учун яратилган имтиёз ҳамда қулайликлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг 2016 йил биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари билан яқиндан таништирилди. Тақдимот иштирокчилари мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётига, турли соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самаралари ва ҳамкорликда фаолият олиб бориш учун хорижлик сармоядорларга яратилган қулай шароитларга юқори баҳо бердилар.

“Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири уларнинг айримлари билдирган фикр-мулоҳазаларни ёзиб олди.

Юрген МЮЛЬБЕРГЕР, “Müllberger” фирмаси директори:

— 2016 йилнинг дастлабки чорагида юртингизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари билан танишиб, шунга ишонч ҳосил қилдимки, жаҳон иқтисодиётида молиявий инқироз ҳамон давом этаётганига қарамай, Ўзбекистонда барча соҳада барқарор ўсиш кузатилмоқда. Жорий йилнинг уч ойида республика ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоиз ўсгани ана шундан далолат беради. Қолаверса, юртингизда яратилган қулай сармоявий муҳит немис бизнес вакилларининг мамлакатда янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан қизиқишлари ортишида муҳим омил бўлаётир.

Вольфганг МАТЦКЕ, “Берлин — Бранденбург” тадбиркорлар жамияти вакили:

— Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Чунки бу ҳам фуқаролар учун, ҳам юридик шахслар учун хизмат кўрсатишда жуда катта қулайлик яратиб, ҳокимият ва бошқарув органлари фаолияти очиқлигини таъминлашга кўмаклашади.

Бундан ташқари, “Электрон ҳукумат” тизими давлат органлари томонидан зарур ахборотларни тақдим этиш ҳамда бизнес вакилларига кўмаклашиш ҳисобидан мамлакатда тадбиркорликни янада ривожлантиришда ҳам жуда қўл келади.

“Жаҳон” АА.
Берлин

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2016 йил – Соғлом она ва бола йили



СОҒЛОМ БОЛА БАХТЛИ КЕЛАЖАК ДЕМАКДИР

Маълумки, гўдак илк одимларини ташлаши биланоқ ота-она унга мос пойабзал сотиб олишга ошиқади. Боланинг биринчи оёқ кийими унда кўпроқ юришга рағбат ва қизиқиш уйғотади. Шунинг учун ҳам пойабзал, энг аввало, гўдак учун хавфсиз ҳамда қулай, боғичли, таг қисми енгил ишланган бўлиши лозим. Акс ҳолда, бола ҳаракатланишда қийналади, бу ҳол эса мустақил юришга бўлган иштиёқини сўндиради.

Шу боисдан шифокорлар ота-оналарга боланинг “оёғи чиқиши” билан унга профилактик-ортопедик пойабзал харид қилишни тавсия этишмоқда. Сабаби, бундай оёқ кийимлар боланинг оёқ кафтини тўғри шакллантиришга, қаддини тик тутиб юришига ёрдам беради. Қолаверса, ҳар томонлама мақбул болалар пойабзали ясситовонлик сингари оёқ хасталиклари профилактикасида катта аҳамиятга эга.

— Оёқ панжасининг асосий вазифаси — танадан тушган оғирликни тенг миқдорда тарқатиб юбориш, у худди “пружина” каби ҳаракатда бўлиши керак, — дейди травматолог Тоҳир Тоғаев. — Ясситовонликда эса бу юк сўндирилмай, тизза, бўкса ва белга урилади. Айтайлик, бу юк 50 килограмм. Энди инсон ҳар қадам босганида шунча оғирликни ўзига қабул қилиб олаверса, буни бир кунга, ҳафтага, ойга, йилга кўпайтириб тасаввур қилаверинг. Базилар “ҳеч иш қилмасам ҳам чарчаб қолдим, бошим оғрияпти”, дейди. Бу ана ўша сўндирилмаган, тақсимланмаган юкнинг оқибатидир.

Пойтахтимиздаги “Хон қизи” хусусий корхонасида шифокорларнинг тегишли тавсияси асосида пойабзаллар ишлаб чиқарилмоқда. Болалар ва ўсмирларга мўлжалланган ортопедик пойабзаллар оёқнинг тўғри ўсиши ва шаклланишига хизмат қилади.

— Ҳозир болалар ва ўсмирларга ўттиздан зиёд турдаги махсус мавсумий пойабзаллар тайёрлаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Зиёда Риқсиева. — Улар юз фоиз чармдан тикилгани боис енгил ва юриш учун қулай. Айни пайтда ўндан зиёд ишчимиз бор. Келгусида иш ўринларини кўпайтириб, аёллар ва эркаклар учун оёқ кийимлари ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирамиз.

— Касб-ҳунар коллежини битириб шу ерда иш бошлаганимга ҳам уч йил бўлди, — дейди косиб Ҳусниддин Мирзаев. — Бу вақт давомида кўплаб болалар дардига шифо бўлган бўлсак ажаб эмас. Болалар оёқ кийимининг уч қисми кенг ишланиши, товон ичкари ёки ташқарига қийшайишига мос равишда ҳар бири учун алоҳида коррекцияловчи ортопедик мосламалар, пойабзалларнинг устки, ўрта ва пастки қатламлари бўлиши ва улар ҳар хил диаметрдаги силикагел гранулалари билан қопланишини, ялангоёқ айниқса, тупроқ, қаттиқ ўтлоқ, қум ва ерда юрган болалар, одатда, бу хасталикка чалинмаслигини билиб олдим.

(Давоми 2-бетда)

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **“Ҳамшира – 2016” кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичида қуйи босқичларда ўрта маълумотли тиббиёт мутахассислари орасидан сараланган 12 ҳамшира ўз билим ва малакасини синовдан ўтказди.**

● **Тошкент вилояти Қибрай туманида “Тинчлик, осойишталик ва барқарорлик – жамият тараққиётининг муҳим омили” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари, ёшлар иштирок этди.**

● **Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежида “Ёш ўт ўчирувчи” мусобақасининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидан иборат 18 жамоа иштирок этди.**

● **Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида қорақалпоқ тасвирий санъати тарихида чуқур из қолдирган мусаввирлар ижодига бағишланган кўргазма очилди. Унда ўндан ортиқ рассомнинг асарлари намойиш этилмоқда.**

ЖАҲОНДА

● **Халқаро Олимпия қўмитасининг қароргоҳи жойлашган Швейцариянинг Лозанна шаҳридан самолётда Олимпиада машъаласи Бразилияга келтирилди. Олимпиаданинг очилишигача қолган 95 кун давомида машъалани ўн икки минг киши йигирма минг километр масофа бўйлаб 329 та аҳоли яшаш пунктлари орқали 5 августга — Олимпиада бошланадиган кунга Рио-де-Жанейрога етказади.**

● **Еврокомиссия Европа Иттифоқига келган қочқинларни квоталар бўйича жойлаштиришдан бош тортган мамлакатларга нисбатан жарима жазосини киритиш масаласини кўриб чиқмоқда. Бошпана излаган ва жойлаштирилмаган ҳар бир одам учун жарима миқдори 250 минг евро бўлиши мумкин.**

● **Ҳиндистоннинг об-ҳаво департаменти расмий маълумотларига кўра, жорий йилда апрелдан июнгача бутун мамлакат бўйлаб ҳаво ҳароратининг меъёрдан юқорироқ бўлиши кутилмоқда. Бинобарин, ушбу мамлакатда апрель ойи бошидан буён жазирамадан ҳалок бўлганлар сони 300 дан ошди. Бу борада Телангана, Одиша ва Бихар штатларида аҳвол айниқса мураккаб.**

Экспорт – тараққиётнинг муҳим омили

МЕВА-САБЗАВОТ ЭКСПОРТИ МУТТАСИЛ ОШМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида соҳани янада ривожлантириш истиқболлари аниқ белгилаб берилди.

Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари Ботиржон СУЛАЙМОНОВ ЎзА мухбирига мазкур қарорнинг мамлакатимизда мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштиришни янада ривожлантириш ва бу маҳсулотлар экспортини оширишдаги аҳамияти ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Президентимиз қарорида белгиланган чора-тадбирлар соҳада амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми, янги босқичидир. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди: замонавий мулкчилик шакли жорий этилди, экин майдонлари оптималлаштирилди, ҳосилдорлик оширилди, мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, бугунги босқич учун пойдевор яратилди.

Бунинг самарасида қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳар йили мўл ҳосил олинмоқда. Ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 2 миллион 731 минг тонна мева, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум етиштирилди.

Сўнгги йилларда қарийб 100 минг гектарда мевали боғ ва токзорлар барпо этилди. Кейинги уч йилда 22 минг гектардан зиёд майдонда илмий асосланган интенсив боғ ташкил қилинди. Селекционерларимиз яратган иқлим шароитимизга мос, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга чидамли сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 170 дан ортиқ нави, мева ва резавор экинлар ва узумнинг 175 нави парваришланмоқда. Бунда пахта майдонлари қисқариб, мева-сабзавот, полиз ва узум етиштиришга ихтисослашган майдонларнинг кенгайиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Етиштирилган маҳсулотни сифатли сақлаш ва бозорларимизга узлуксиз етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2015 йилда 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Бу 830 минг тоннадан зиёд мева-сабзавотни сақлаш, бозорларимизда нархнинг бир меъёрда бўлишида муҳим ўрин тутди.

Бозорларимиздан қишин-ёзин мева-сабзавот узилмайди. 2015 йилда мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун БМТ томонидан мукофотланган 14 давлатдан бири бўлгани ҳам бежиз эмас.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги шу даражада ривожландики, бугунги кунда халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини тўла таъминлаб, уларни экспорт қилиш салоҳияти янада кенгайди.

Экспортнинг ўзига хос тартиблари бор. Маҳсулот вақтида йиғиб олиниши, яхши сақланиши, қадоқланиши ва харидорга сифатли етказилиши керак. Бунинг учун замонавий инфратузилма, яхлит комплекс зарур.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ушбу маҳсулотларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантиришга қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича дунё бозорида етакчи мавқега эга. Хусусан, ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги етакчи ўн давлат қаторида туради. Халқимиз эҳтиёжидан ортиқча 180 турдан зиёд мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар АҚШ, Япония, Таиланд, Индонезия, Мўғулистон, Саудия Арабистони, Россия, Словакия сингари 80 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан

БУЮК ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИ

“Тинчлик-осойишталик, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт, таълим ва ёшлар масаласига эътибор спорт ривожида муҳим аҳамият касб этади, ана шундай муҳит ва шароит туфайли Ўзбекистонда спорт жадал ривожланиб бормоқда”.

Халқаро олимпия қўмитаси президенти Томас Бахнинг 2015 йилда билдирган бундай юксак эътирофи барчамизга чексиз ифтихор туйғусини бағишлаши, тўлқинлантириши табиий.

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқнинг олий мақсади бўлади. Унга эл-тувчи йўлларни излайди, режалар тузади. Босқичма-босқич амалга оширади. Ёшларимизнинг халқаро йирик мусобақаларда Ўзбекистон номини шарафларга буркаши, таъбир жоиз бўлса, мақсадимиз сари элтувчи йўллардан, режалардан бири эди. Биз қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни, дунё тамаддунида алоҳида ўрнимиз борлигини амалда исботлашимиз керак эди. Кўҳна тарих учун икки қош орасидай қисқа муддатда бунинг уддасидан чиқдик. Илгари бизга менсимай қараганлар бугун биздан ўрганмоқда, бизнинг усулларимизни ўзлаштирмоқда. Ютуқларимизни тан олишга мажбур бўлмоқда.

Собиқ тузум даврида бундай юксак эътирофлар у ёқда турсин, тилга тушган спортчилар деярли бўлмаган. Нега? Нима, юртимизда истеъдодлар бўлмаганми?

Шу саволга жавобни кўп изладим. Жавоби оддий экан: ўша пайтларда ҳам истеъдодлар кўп бўлган, фақат уларни юзага чиқариш учун шароит ҳам, имконият ҳам, истак ҳам бўлмаган. Буни ўша даврда спортнинг муайян тури билан шуғулланишни истаган, аммо имконияти, шароити бўлмаган ёшлар (бугун улар улғайган, кексайган) жуда яхши билади. Мана, улардан бирининг дилномаси:

“...Биз яшаб турган колхозда ёшларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказишлари учун шароит етарли эмас. Жисмоний тарбия билан шуғулланиш, спортнинг бирор турига ихлос қўйишга имкон йўқ. Наҳотки, мактабда ҳам спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароит яратишнинг имкони бўлмаса? Мактабдошларимнинг кўпчилиги спортнинг бир қанча турларига қизиқадилар.

Ўзим боксчи бўлишни орзу қиламан. Спортнинг шу тури билан шуғулланиш учун шаҳарга қатнай бошладим. Олис йўл юришга тўғри келди. Бир йилу уч ой қатнаб, бокс ҳадисини ола бошладим. Маҳоратим ҳам ортаётганди. Афсуски, мактабимизда ўқув машғулотлари икки сменали қилиб ташкил этилдию, шаҳарга қатнай олмай қолдим. Боиси, ўқиш 12:45 да бошланади. Бокс машғулотлари эса соат 17 га тайинланган. Шу тариқа аросатда қолдим. Наҳотки колхозимизда, қолаверса мактабимизда спорт тўгараклари ташкил этиб, ёшларнинг бўш вақтини оқилона ташкил этишнинг иложи бўлмаса?!”

“Совет Ўзбекистони” газетасининг 1990 йил 28 февраль сонида “Шароит бўлмагач” сарлавҳаси остида эълон қилинган мазкур мақолада тўрткўллик С.Рўзибоев ўзи сингари ёшларнинг истак ва интилишлари бир-бирига мос келмаётганини куюнчаклик билан баён қилган.

Аслида, мақолада тилга олинган бу муаммо ўша пайтларда республикамизнинг деярли барча ҳудудлари учун хос эди. Катта имкониятлар бой бериларди. Айниқса, қишлоқ жойларда спортни ривожлантиришга панжа орасидан қаралган. Ишларни тизимли ташкил этиш, шароит яратишга етарли маблағ ажратилмаган. Қурилиш объектлари спорт ва маданий дам олиш майдонларисиз фойдаланишга топширилган. Мактабда жисмоний тарбия дарслари номигагина ўтилган. Ўша пайтларда республикадаги мактабларнинг қарийб ярмида алоҳида спорт зали бўлмаган. Чўмилиш ҳавзалари ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

Мавжуд спорт иншоотларининг аксарияти талабга жавоб бермаслиги, техника хавфсизлиги таъминланмагани боис улардан деярли фойдаланилмаган. Спорт инвентарлари, кийим-кечаклари савдосига ихтисослашган дўконлар республикада саноқли бўлиб, у ердан зарур ускуна ва спорт жиҳозларини топиш, харид қилиш ҳам амримаҳол бўлган.

Спорт билан шуғулланишга шароит бўлмагандан кейин юқори натижа ҳақида қанақа гап бўлиши мумкин? Ёшларимиз халқаро мусобақаларда чемпион бўлиш у ёқда турсин, ақалли қатнашолмаган.

Президентимиз Ислом Каримов мустақиллигимизнинг илк йилларидан “Соғлом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир” дея мамлакатимизнинг истиқболдаги бош мақсадини, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берди. Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан узоқ истиқболни кўзлаб, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган эзгу ниятни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Бу олижаноб мақсад йўлида миқёси ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун барча зарур шароитлар яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан уч босқичли спорт ўйинлари – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақалари йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг фармони билан 2002 йил октябрь ойида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Натижада ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантиришнинг ўзига хос ноёб тизимига асос солинди.

Болаларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгида спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолотга интилиш, уларни салбий таъсирдан ҳимоя қилиш ҳамда зарарли одатлардан халос этиш, болаларни барқарор феъл-атворли, Ватанига муҳаббат ва ўз мамлакати учун ғурур-ифтихор руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган бу ноёб тизим ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Ёзги Олимпия ўйинларининг биринчи чемпиони сифатида Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг номи мустақил Ўзбекистонимизнинг спорт тарихига зарҳал ҳарфлар билан мангу муҳрланди. Халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони унвонини олишга муваффақ бўлди. ФИФА рефериси Равшан Эрматов беш марта Осиёнинг “Энг яхши ҳаками” ва 2015 йилда “Globe Soccer Awards” версияси бўйича “Йилнинг энг яхши ҳаками”, деб эътироф этилди. Шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатларида ёш шахматчиларимиз Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар иккитадан олтин медални қўлга киритиб жаҳонда тенгсиз, деб топилди...

Умуман, ўғил-қизларимиз спортнинг турли йўналишлари бўйича Осиё ва жаҳон чемпионатларида, Олимпия ўйинларида юксак поғоналарга кўтарилмоқда. 2010 йилда умумтаълим мактаблари ўқувчилари халқаро спорт мусобақаларида 420 медални қўлга киритган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич қарийб икки баробар ошди. Бир ярим минг нафардан зиёд спортчи ёшларимиз 165 халқаро мусобақада 983 медални қўлга киритиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини амалда исботлади.

Қувонарлиси, халқимизнинг миллий спорт тури – кураш 2018 йили Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ўтказиладиган XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига киритилди. Эндиликда “чала”, “ёнбош”, “ҳалол”, “танбеҳ”, “дакки”, “ғирром” сингари ўнлаб сўзларимиз дунёнинг турли давлатларида ўтказиладиган нуфузли мусобақаларда жаранглamoқда.

Булар ўтган йигирма беш йил ичида биргина спорт соҳасида қилинган ишлар ҳамда уларнинг самаралари ҳақида айрим мисоллар, холос. Аммо шу тарихан қисқа даврда мамлакатимиз наинки спорт, бошқа соҳаларда ҳам эришган ютуқларни, қўлга киритган марраларни фақат санаб ўтиш учун неча юзлаб саҳифа қоралаш керак бўлади. Буни дунё аҳли кўриб турибди.

Бу борадаги ишлар бардавом, ёшларимизнинг муваффақиятларини ҳали кўплар эътироф этади, истеъдодига, маҳоратига, кучига тан беради. Кўкси медаллар шодасига тўлаверади. Чунки биз ўтмиши шонли, бугуни ёруғ, келажаги буюк халқмиз. Бундай халқнинг ёшлари ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб вояга етади, келажаги албатта буюк бўлади...

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎзА шарҳловчиси

МЕВА-САБЗАВОТ ЭКСПОРТИ МУТТАСИЛ ОШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз қарори экспорт ҳажмини янада ошириш ва кўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Унга кўра, жорий йилдан бошлаб мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси амалга оширилади.

Ҳозирги кунда экин майдонлари оптималлаштирилиб, ҳосилдорликни оширишга эътибор қаратилмоқда. Янги боғ ва токзорлар барпо этилиб, уларга селекционер олимларимиз яратган ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навлар экилмоқда. Бундай ишлар натижасида 2020 йилга бориб картошка етиштириш 35 фоизга, сабзавот 30, мева ва узум 21,5 фоизга ошиши кутилмоқда.

Қарорда ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини комиссия шартномалари асосида экспорт қилишда комиссия хизмати учун тўлов миқдори 1 фоиздан ошмаслиги белгиланган. Дунё амалиётида бу шартнома қийматининг 10 фоизигача етиши кузатилади. Мамлакатимизда бу тўлов 1 фоиз қилиб белгилангани деҳқон, фермер хўжаликлари ва агрофирмаларимиз учун катта қулайликдир.

Маҳсулот етиштирувчиларнинг фаолиятини янада тартибга олиш, уларнинг хорижий шериклар олдида манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида “Ўзагроэкспорт” ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси ташкил этилди. Ушбу компания икки турдаги шартномани имзолайди. Биринчиси тўғридан-тўғри экспорт шартномаси бўлиб, бунда компания экспортни ўз номи ва маблағлари ҳисобидан амалга оширади. Иккинчиси фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар, қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган комиссия шартномаларидир. Ушбу жараёнда компания уч томонлама – “компания – хорижий шериклар – деҳқон ва фермер хўжаликлари, агрофирмалар” тарзида шартнома имзолайди.

Соддароқ қилиб айтганда, компания воситачи сифатида “комиссионер”, маҳсулот етиштирувчилар эса “комитент” мақомини олади. Комиссионер комитент манфаатларини кўзлаб, хорижий шериклар билан экспорт борасида ўз номидан шартномалар имзолайди. Бу ҳолда комитент компанияга сотилган маҳсулотнинг қийматига нисбатан комиссия хизматига ҳақ тўлайди.

Ҳозирга қадар фермер маҳсулот етиштиришда кўплаб имкониятлардан фойдаланар, бироқ маҳсулотига харидор топишда бироз қийналиб қоларди. Президентимиз қарори билан маҳсулотларни саноат усулида қайта ишлаш учун давлат буюртмаси доирасида харид қилиш учун “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси ташкил этилгани фермерларга қатор қулайликлар яратади. Компания тизимидаги хусусий шаклдаги қайта ишлаш корхоналари фермер ва деҳқон хўжаликлари билан тузилган контракция шартномалари асосида шартнома қийматининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдорида бўнак тўлайди. Томонларнинг ўзаро келишуви асосида бўнак – уруғлик, мевали дарахтлар кўчати, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ёки пул кўринишида бўлиши мумкин.

Маҳсулот етиштирувчиларнинг манфаатдорлигини ошириш, уларга ўзлари етиштирган маҳсулотларни сотишда кўмаклашиш мақсадида мамлакатимизда жорий йилдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро ярмаркалари ташкил этилади. Уларда кейинги йил учун экспорт шартномалари тузилади. Ҳамкорларимиз мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш, соҳани ривожлантиришда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган тадбирлар билан яқиндан танишади. Мулк эгалари илмфан соҳасидаги янгиликлар, илғор хўжаликлар тажрибаларини ўрганиш, хорижий шерикларнинг маҳсулот сифатига, ташқи кўринишига, қадоқлаш технологияларига, кимёвий таркибига қўйдиган талабларини аниқ-тиниқ билиш имконига эга бўлади.

Давлатимиз томонидан берилаётган бундай имкониятлар деҳқон ва фермерлар зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Улар маҳсулотни экспортбоп қилиб етиштириши, бунинг учун турли касаллик ва зараркунандаларга қарши ўз вақтида чора кўриши зарур.

Маълумки, мева-сабзавотларни сотиб олаётган мамлакат уларни махсус текширувдан ўтказади. Нотўғри парвариш маҳсулотнинг ташқи кўринишида акс этмаса-да, лабораторияда текширувида кимёвий таркибида аён бўлади. Шу боис экспортга чиқариладиган маҳсулотлар касалланмаган, экологик тоза бўлиши керак. Вазирлигимиз бу борадаги халқаро талаблар бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Деҳқон ва фермерларга зарур дори воситалари, агротехникалар етказиб берилмоқда. Касаллик ва зараркунандалар таъсирининг олди олиниб, ҳосилдорлик ошишига эришилмоқда.

Экспертларнинг қайд этишича, юртимизда етиштирилган мева-сабзавотлар табиий шакар, амино ва органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли даражада юқори туради. Президентимизнинг мазкур қарори фермер ва деҳқон хўжаликлари, тадбиркорлик субъектларига янги имкониятлар яратиши билан бирга, жаҳон бозорида Ўзбекистон брендининг шуҳрати янада ошишида муҳим ўрин тутади. Ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимиз яқин йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уни экспорт қилишда дунёнинг энг илғор мамлакатларидан бирига айланади.

Сайёра ШОЕВА
ёзиб олди

СОҒЛОМ БОЛА БАХТЛИ КЕЛАЖАК ДЕМАКДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Одатда бозор ва дўконлардаги болалар учун ишлаб чиқарилган кийим-кечаклар, жумладан, мавсумий пойабзаллар савдо расталари харидорлар билан гавжум бўлади. Истеъмолчилар асосан маҳсулотнинг ташқи кўринишига эътибор қаратишади, бироқ унинг стандарт талабларига жавоб бериш-бермаслиги ҳақида кўпинча ўйлаб ҳам кўришмайди.

Замонавий тиббиётда фақат бежирим кўриниши билан эътиборни жалб қиладиган, аммо стандарт талабларидан йироқ, тегишли гигиеник ва мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган болалар пойабзаллари кичкинтойларда оёқ бармоқларининг нотўғри ривожланиши, гипергидроза (оёқ терлаши) ва тоғай ҳосил бўлиши каби кейинчалик жиддий асоратлар қолдирадиган ортопедик касалликларни ҳамда ясситовонлик хасталигини келтириб чиқариши исботланган.

— Пойабзалнинг қолип формасини ҳар бир боланинг оёқ тузилиши асосида тайёрлаймиз, — дейди “Хон қизи” хусусий корхонаси бичувчиси Нодира Зойитова. — Бу эса фарзандларимиз оёғининг тўғри шаклланишини таъминлайди. Мисол учун, баҳорги-кузги оёқ кийимларни нафақат ҳар жиҳатдан қулай ва иссиқ бўлиши, балки кичкинтойларнинг жажжи оёқчаларини тасодифий кўлмаклар, зах жойларда ҳам ҳимоя қила олишига эътибор қаратамиз. Уларнинг ташқи кўринишини буюртмачи талабига кўра, безаб берамиз.

Ҳа, фарзандингиз соғлом бўлса, оилангиз тинч, кўнглингиз хотиржам бўлади. Айниқса, унинг пойабзали қулай, сув ўтказмайдиган ва оёғини оғритмайдиган, чидамли бўлса, ташвишингиз камаяди. Доно халқимиз бежизга “дўст бошга қарайди, душман эса оёққа” дея нақл келтирмайди. Аслида ўзига дўст одам оёқ тарбиясига ҳам қарайди. Ўзингизга, фарзандингизга дўст бўлсангиз, тутумлар ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Зиёда ВОҲИДОВА

Маҳалла — ҳаётимиз кўзгуси



МУНОСИБЛАР САЙЛАНМОҚДА

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтмоқда.

Сайловлар Учтепа туманида ҳам уюшқоқлик билан ўтмоқда. Бу борада тумандаги 60 та маҳаллада сайловни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларига тумандаги кўмаклашувчи комиссия яқиндан ёрдам бермоқда. Сайлов ҳар бир маҳаллада очиқ-ошкора, муқобиллик асосида ўтмоқда, бу жараёнда аҳолининг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тумандаги “Бекобод” маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайлов ҳам очиқ овоз бериш йўли билан ташкил этилди. Ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раислигига уч нафар номзод кўрсатилган эди. Дастлаб, номзодлар ўз фаолиятларига оид дастурлари билан таништириб ўтишди. Номзодлар орасидан Шоира Маҳмудова энг кўп овоз олиб, иккинчи бор маҳалла раислигига сайланди. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчилари лавозимига 18 та номзоддан 10 нафари сайланди.

Шоира Маҳмудова мазкур маҳаллада 1981 йилдан бери истиқомат қилиб келади. Касби ўқитувчи бўлган бу аёл маҳалланинг пасту баландини яхши билади. Фуқаролар йиғини раиси сифатида маҳалла ҳаётига тегишли кўплаб вазифаларни ҳудуддаги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.

Маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, тўй ва турли маросимларни замон талабларига мос тарзда ихчам ўтказиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга манзилли хизмат кўрсатиш, ёшларни турли зарарли иллатларга қарши курашга чорлашда ўзининг ташкилотчилик маҳоратини намоён этмоқда.

Бугунги кунда уч минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган “Бекобод” маҳалласида ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни эзгу қадриятларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялашда яхши натижаларга эришилмоқда. Соғлом она ва бола йилида маҳалла ижтимоий ҳимояга муҳтож, серфарзанд оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, ҳар бир оиладаги муҳит, одамларнинг эзгу интилишларидан бохабар бўлиш маҳалла фаолларининг доимий эътиборида.

— Маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасига Шоира Маҳмудованинг қайта сайланиши барчамизга бирдай маъқул бўлди, – дейди Меҳмондўст иккинчи тор кўчасида истиқомат қилувчи отахон Саъдулла Комилов. – Жуда меҳнаткаш, тиниб-тинчимайдиган, ҳар ишда фаол аёл. У маҳалладаги ҳар бир хонадоннинг яхши ва ёмон кунларида энг яқин суянчи, барчага бирдай меҳрибон.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

"Баркамол авлод" республика болалар бадиий ижодиёт марказида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Жонажон Ўзбекистон, сени тан олди жаҳон!" шиори остида умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари ўртасида "Президент асарларини ўрганамиз" кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан саралланган 14 нафар ўқувчи тўртта шарт асосида ўз билимларини синовдан ўтказди.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Танловдан кўзланган мақсад Президентимиз асарларида ёритилган миллий анъана ва қадриятларимизнинг талқини, мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари ҳамда миллий истиқлол ғояларини ёшлар онгига сингдириш орқали уларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Бутун дунёда ҳукм сураётган иқтисодий танглик, халқаро майдондаги турли сиёсий манфаатлар тўқнашган мураккаб бир шароитда ўз фикрига эга Ўзбекистоннинг демократик қадриятлар тамойиллари ва янги жамиятни ўз ақлзаковати билан қуришга қодир экани, бу жараёнда ёш авлодни "Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат" тамойилида тарбиялаш муҳимдир, — дейди танловнинг ҳакамлар ҳайъати раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси катта илмий ходими Неъмат Хаттопов. — Ҳозирги глобаллашув жараёнида ёшларнинг онгига ўз таъсирини ўтказаётган "оммавий маданият" сингари зарарли иллатлардан ўқувчиларни ҳимоя қилиш ва уларнинг мафкуравий иммунитетини янада мустаҳкамлаш долзарб вазифа. Шу боис муҳтарам Юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсатнинг мазмун-моҳиятини уларга тўғри тушунтириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, жамиятимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлардан ғурурланиш ва ёш авлоднинг Ватан равнақи йўлида бирлашиб, юксак марраларга эришиши юзасидан билдирилган концептуал фикрлари ўрин олган асарларини чуқур ўқиб-ўрганиш зарурати кун сайин ортмоқда. Ушбу танловнинг ҳудудий босқичларида жами 20 мингдан ортиқ ўқувчи иштирок этгани фикримиз далилидир.

— Танловга тайёрланиш жараёнида давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида", "Она юртимиз бахту иқболи, буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" сингари асарлари орқали юртимизнинг 25 йиллик дадил одимлари давомида эришилган ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилмагани, бунга ҳисса қўшган аждодларимизнинг маънавий жасорати ва истиқлолимизнинг тарихий негизларини пухта ўргандим, — дейди пойтахтлик ўқувчи Муслима Жамолова. — Танловда тенгдошларим билан ўзаро фикр алмашиш, билимларимни бойитиш баробарида кўплаб дўстлар орттирганимдан хурсандман.

Биринчи шартда иштирокчиларнинг "Буюк даҳоларни етиштирган юртнинг келажаги албатта буюк бўлади", "Юксак маънавият буюк жасоратларга етаклайди", "Мустақиллик — бу ҳуқуқдир", "Аждодларимизнинг бебаҳо мероси — абадиятга дахлдор маънавий хазинадир", "Тараққиётнинг "ўзбек модели"ни дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда", "Маънавиятга таҳдид — ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид" номли ижодий ишларида ифодаланган фикрларни ҳакамлар ҳайъати аъзолари белгиланган мезонлар бўйича холисона баҳолаб борди.

Иккинчи турда ўқувчилар Президент асарлари бўйича берилган саволларга жавоб қайтарган бўлса, кейинги шартда ўзбек шоирларининг мустақиллик, Ватан, тинчлик каби мавзудаги шеърларидан бирини ифодали ўқиб бердилар. Танловнинг охирги шартида ўқувчиларнинг Президент асарлари, Конституциямиз ва мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларига доир билимлари 20 та тест саволи асосида синовдан ўтказилди.

Танловнинг якуний натижаларига кўра, пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 29-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Муслима Жамолова 91 балл тўплаб олий ўринга муносиб деб топилди. Хонқа туманидаги 25-мактаб ўқувчиси Жайрона Эгамбердиева ҳамда Кармана туманидаги 15-мактаб ўқувчиси Шаҳло Орзиева танловда юқори балл тўплаб, 1-ўринни эгаллаган бўлса, бухоролик ўқувчи Севара Давроновага иккинчи ўрин насиб этди. Сирдарё туманидаги 39-мактаб ўқувчиси Маҳлиё Пўлатова ҳамда Жиззах вилояти ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқувчиси Азиза Санжарова учинчи ўринни қўлга киритди. Ғолибларга Халқ таълими вазирлиги томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёдбек ИСМОИЛОВ

ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган "Мовароуннаҳр" маҳалласида 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонида белгиланган устувор вазифаларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди. Унга маҳаллада истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари ҳамда ҳозирда кексалик гаштини сураётган пиру бадавлат отахону онаҳонлар таклиф этилдилар.

"TIBONE" тантаналар кошонасида уюштирилган тадбир аввалида Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонона жанг қилиб, Ватан озодлиги учун ҳалок бўлган юртдошларимиз хотираси ёдга олиниб, уларнинг руҳи поклари ҳақига дуою фотиҳалар қилинди.

Шундан сўнг тантанали маросимда сўзга чиққан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, истеъфодаги подполковник Илья Юдович, Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор Суйима Ғаниева, Миробод тумани бош имоми Одил қори Холмуродов, маҳалла фаоли Зайнаб Шодиева ва бошқалар юртимиздаги тинчлик, мустақиллик – неъматлар ичида энг улуғ экани, унинг қадрига етиш ва асраб-авайлаш ҳозирги таҳликали замонда ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи лозимлиги, қолаверса, ҳавоси мусаффо, осмони беғубор, осойишталик ҳукм сураётган заминдагина ривожланиш, тараққиёт бўлиши ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Байрам дастури Миробод туман Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари томонидан тайёрланган Ватанни мадҳ этувчи, тинчликни улуғловчи куй-қўшиқлар барчани хушнуд этди.

Тадбир якунида маҳалладаги ҳомийлар томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

Бахтиёр ЖЎРАЕВ

* * *

Ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, маҳаллада, оилада уларга эҳтиром, ҳурмат кўрсатиш ўзбек миллатининг қон-қонига сингиб кетган азалий қадриятлардандир.

Хотираси азиз, қадри муқаддас бўлган, бугунги осуда кунларимиз учун жон фидо қилган отахону онахонларимизнинг жасорати олдида бош эгамиз. Мустақиллигимиз шарофати билан Ватанимиз тинчлиги учун мардонавор жасорат кўрсатган, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ҳар бир фахрийларимиз Хотира ва қадрлаш куни арафасида яна бир бор ёдга олиниб махсус эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Анъанага амал қилган ҳолда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги барча ташкилотлари томонидан бу йил Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан 382 нафар уруш фахрийсининг ҳолидан хабар олиниб, озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат совғалар тақдим этилди.


* * *

"Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан шаҳарча ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Камолот" фаоллари ва "Зулфия" номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган бир гуруҳ ўқувчи-ёшлар иштирокида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳолидан хабар олиш мақсадида "Инсон қадри азиз, хотираси – муқаддас!" лойиҳаси доирасида ташрифлар уюштирилди.

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган маҳаллаларда истиқомат қилувчи 10 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олинди ва байрам совғалари улашилиб юксак эҳтиром кўрсатилди.

Халқимизда "Қариси бор уйнинг париси бор" деган теран маъноли нақл бор. Зеро, қарияларимизни қадрлаш, кексаларимизни эъзозлаш, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг кўнглини кўтариш барчамизнинг фуқаролик бурчимиз саналади. Шундай экан, ўтказилаётган бу каби лойиҳалар ўзбек заминида "Инсон бахт учун туғилади" деган эзгу ҳикматга нақадар катта эътибор берилаётганлигидан далолат. Дарҳақиқат, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги нуроний отахон ва онахонларимизнинг дуосида намоён бўлади ва уларнинг дуолари орқали Ватанимизда тинчлик ҳамда осудалик барқарор бўлади десак хато қилмаган бўламиз.

Зиёда РАСУЛОВА



ИЖОД МАҲОРАТИ КЎРИГИ

Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицейда "Энг яхши архитектор" мавзусида ижодий ишлар кўргазмаси ўтказилди.

Тадбирда институт ва унинг қошидаги академик лицей профессор-ўқитувчилари, иқтидорли ва ижодкор лицей ўқувчилари, пойтахтимизнинг Олмазор, Юнусобод, Шайхонтоҳур туманларидаги умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари иштирок этди. Кўргазмада қирққа яқин ўқувчининг юздан зиёд лойиҳа ва техник ишланмалари намойиш этилди.

— Таълим муассасамиз физика, математика, она тили ва адабиёт, чет тили фанларини чуқур ўргатишга ихтисослашган бўлиб, жорий ўқув йилида замонавий шароит, мустаҳкам моддий-техник база, илғор тажриба ва педтехнологиялар асосида чуқур ва сифатли билим олаётган 433 нафар ўқувчидан 155 нафари ўқишни тамомлаш арафасида, — дейди ТАҚИ қошидаги академик лицей директори, филология фанлари номзоди Ғафур Эшмонов. — Лицейимиз услубий бирлашмалари қошида иккита ижодий устахона ташкил этилган. Ўқувчиларимизнинг қизиқиш-иштиёқи, қолаверса, талабидан келиб чиққан ҳолда, муассасамизда 20 дан зиёд фан ва спорт тўгараклари жадвал асосида мунтазам фаолият олиб боради. Жумладан, "Ёш физиклар ва математиклар" тўгараги машғулотларида нафақат лицейимиз, балки умумтаълим мактабларининг ушбу фанларга қизиқувчи 9-синф ўқувчилари қамраб олинган.

Кўргазмада сараланган ижодий ишлар "Энг яхши қаламтасвир иши", "Энг яхши рангтасвир иши", "Энг яхши макет", "Энг яхши архитектура лойиҳаси иши", "Энг яхши компьютер лойиҳаси иши", "Энг яхши дизайни", "Энг яхши интерьер дизайни" номинациялари бўйича рағбатлантирилди. Иқтидорли ўқувчилар институт ректорати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг Ёшлар қаноти томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Д. РЎЗИЕВ

УСЛУБИЙ СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Учтепа тумани махсус мактабгача таълим муассасалари услубий бирлашма фаолиятини ташкиллаштириш ва оммалаштириш мақсадида 431-сонли ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасида "Таълим-тарбия жараёнларида ахборот технологиялари ва мультимедия материалларини кенг тадбиқ этиш" мавзусида семинар ташкил этилди.

— Тадбирни ўтказишдан мақсад махсус мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда масъул педагог ходимларни соҳавий йўналиш бўйича малакаларини ошириш, уларни мактабгача таълим тизимида қўлланилаётган илғор инновацион иш услублари билан таништириш, тажриба ва фикр алмашишдан иборат, — дейди 431-ихтисослашган мактабгача таълим муассасаси раҳбари Д. Мусаева. — Махсус услубий бирлашма тумандаги бешта махсус ва еттита МТМ логопунктлари ҳамкорлигида иш олиб борди. Педагоглар белгиланган мавзулар бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашишди ҳамда ҳар бир махсус МТМнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишишди.

Семинарда фаол иштирок этган педагогларга махсус услубий бирлашма томонидан фахрий ёрлиқ ва совғалар топширилди. Тадбир якунида муассаса тарбияланувчилари ва "Шарқ" гуруҳи ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Ш.ЗОКИРОВ

САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Соғлом бола – келажагимиз" шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти томонидан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъаткорлар, ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти раиси Ҳ.Каримов "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ёш авлод камолотига йўналтирилган қатор тиббий-ижтимоий лойиҳалар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ташкилот томонидан ёшларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини шакллантиришга доир тадбирлар ўтказилмоқда. Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, бошқа махсус муассасаларга, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатилмоқда.

Тадбир доирасида Қизил ярим ой жамиятининг инсонпарварлик фаолиятига оид лавҳалар намойиш этилди, донорлик бўйича махсус акция уюштирилди. Таълим муассасаларида ташкил этилган "Саломатликнинг ёш дўстлари" тўгараклари ўртасидаги танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда эстрада хонандалари ва болалар жамоаларининг концерти намойиш этилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида "Соғлом миллат буюк ишларга қодир" деб номланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси, Олмазор тумани ички ишлар бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда Тошкент маданият коллежи, Тошкент банк коллежи, Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқитувчи ҳамда ўқувчилари иштирок этди.

Тошкент маданият коллежи директори И.Азимов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнида ёшларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш, уларни одам савдоси ва ёт иллатларнинг мудҳиш оқибатларидан огоҳ этиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, билим ва салоҳиятини юзага чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ушбу трансмиллий жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

– Семинарда ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшлар онгини ёт ғоялар таъсиридан асраш, одам савдосига қарши курашиш, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандликнинг олдини олиш чоралари ҳақида сўз юритилди, – дейди Олмазор тумани ички ишлар бошқармаси терроризмга қарши курашиш бўлими бошлиғи М.Толипов. – Давлат органлари, фуқаролар йиғинлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мувофиқлашган фаолияти бу борада яхши самара бермоқда.

Тадбирда "Одам савдоси – давр муаммоси", "Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари", "Интернет маданиятини юксалтиришнинг долзарб муаммолари", "Ёшлар диний экстремизм ва терроризмга қарши!" мавзуларида маърузалар тингланди.

Семинарда адашганлар қисмати ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

Маданият масканларида

БЎШ ВАҚТЛАРИ МАЗМУНЛИ ЎТМОҚДА

Юнусобод туманидаги 20-сонли маданият ва аҳоли дам олиш маркази 12 та маҳалла аҳли — 50 мингдан ортиқ кишига хизмат кўрсатади. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 августдаги қарорига мувофиқ кейинги пайтларда ушбу маданият марказида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.



Жумладан, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш мақсадида анъанавий ижрочилик, миллий чолғу асбоблари, шахмат клуби, вокал эстрада, драма актёрлиги, инглиз тили, тўқувчилик ва бисер, миллий рақс каби тўгаракларига, фортепиано, замонавий рақс ва рассомлик ҳамда дизайн янги тўгараклари қўшилиб, фаолият кўрсата бошлади. Рақс зали тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Эътиборга лойиқ томони, тўгараклар ёзги таътил кунларида кам таъминланган оилалар фарзандлари учун бепул хизмат кўрсатади. Бундан ташқари марказда халқимизга кўп йиллардан буён самарали хизмат кўрсатиб келаётган "Жасорат" халқ дастаси ҳам мавжуд бўлиб, ушбу ансамбль ҳар йили шаҳар ва туманда ўтказиладиган оммавий маданий тадбирларда фаол иштирок этиб келади.

— Марказнинг асосий иш фаолияти аҳоли, асосан ёшларнинг қизиқишларига доир тўгаракларга жалб этган ҳолда бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига кўмаклашиш, шу орқали уларнинг турли оқимларга қўшилиб кетишининг олдини олиш, соғлом ва баркамол тарзда вояга етишларига ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат, — дейди 20-сонли маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори Абдулазиз Қўшмуродов. — Бундан ташқари, туманда ўтказиладиган юртимизнинг турли байрамлари, ҳар хил саналар, маънавий-маърифий тадбирларда марказнинг бадиий жамоаси, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар, Меҳрибонлик уйлари, ҳарбий қисмларда ўз чиқишлари билан мухлислар қалбига завқ-шавқ бағишламоқда. Шунингдек, марказ ходимлари ва ўқувчилари турли кўрик-танловда мунтазам қатнашиб келадилар. Жумладан, яқинда бўлиб ўтган "Янги авлод" кўрик-танловида марказимиздан ёш ўқувчи Мирсаид Миржалолов устозлар айтган катта ашулаларни мароқ билан куйлаб, турли совринлар билан тақдирланди. Ҳозирда маданият маркази яқин атрофдаги 96, 150, 63-мактабларнинг устоз-мураббийлари ва ўқувчилари, "Оқибат", "Янгиариқ", Жомий ва Уста Ширин номли маҳаллалар фаоллари билан яқин ҳамкорликда ишлаб келмоқда.

Куни кеча 20-сонли маданият ва аҳоли дам олиш марказида "Очиқ эшиклар куни" тадбири айниқса қизиқарли ўтди. Унда ранг-баранг рақслар, дилтортар қўшиқлар, саҳнавий кўринишлар, сўз усталарининг чиқишлари бўлди, марказ ёшлари томонидан чет эл тилларида шеърлар ва қўшиқлар куйланди. Шунингдек, 20-сонли маданият ва аҳоли дам олиш марказининг фаол қобилиятли ўқувчилари, Республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар ва ёшлар катта ассурот билан қайтишди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: "Очиқ эшиклар куни" тадбиридан лавҳа

Спорт янгиликлари

ШАҲРИМИЗ ЖАМОАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари мамлакат XXV миллий чемпионатининг 8-тур баҳсларини якунлашди.

"Пахтакор" марказий стадионига йиғилган мухлислар азалий рақиблар — "Пахтакор" ҳамда "Навбаҳор" ўртасидаги беллашувга гувоҳ бўлишди.

Аввало, шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда ўз мавқеига эга бўлган "Пахтакор" ҳамда "Навбаҳор" жамоалари ўртасидаги учрашувлар доимо қизиқарли кечган. Аммо бу сафар мухлислар шиддатли, муросасиз баҳснинг гувоҳи бўлишмади. Аксинча, мезбонлар ўйинда устунликка эришишди. 90 дақиқа давом этган беллашув 3:0 ҳисобида пахтакорчиларнинг ғалабаси билан якунланди. Ўйинда меҳмонлар дарвозасини Игорь Сергеев 2 марта аниқ нишонга олган бўлса, мезбонлар ҳужумини қайтариш чоғида Голбан ўз дарвозасига гол киритиб қўйди ва "Пахтакор"нинг йирик ҳисобда ғалаба қозонишига кўмаклашиб юборди.

Ушбу турда шаҳримиз жамоалари "Обод" ва "Локомотив" "Жар" стадионида ўзаро баҳс олиб боришди. Анча қизиқарли кечиши кузатилган беллашувда тажрибали "Локомотив" жамоаси аъзолари зафар қучишди. Учрашув 2:0 ҳисобида якунига етди. Голларга Санжар Шоаҳмедов ва Темурхўжа Абдухолиқов муаллифлик қилишди.

Шунингдек, сафарда "Қўқон—1912" жамоаси билан куч синашган "Бунёдкор"га ҳам ушбу тур омад келтирди. Тошкентликларнинг устунлиги остида кечган баҳс 2:0 ҳисобида Сергей Лушчан шогирдларининг ғалабаси билан якунланди.

Қолган баҳсларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Бухоро" — "Металлург" — 0:0, "Шўртан" — "Сўғдиёна" — 4:2, "Насаф" — "Қизилқум" — 2:0, "Андижон" — "Машъал" — 1:0, "Олмалиқ" — "Нефтчи" — 3:0.

Ўтган 8-турдан сўнг турнир жадвалида 22 тадан очко тўплаган "Локомотив", "Бунёдкор", "Насаф" 1, 2, 3-ўринларда боришмоқда. Турнир жадвалининг қуйи поғоналарини "Машъал" ва "Обод" жамоалари банд этиб туришибди. Рақиблари дарвозасини 7 мартадан аниқ нишонга олган "Металлург" футболчиси Зоҳид Абдуллаев ва "Пахтакор" ҳужумчиси Игорь Сергеевлар тўпурарлик қилишмоқда.

"ЛОКОМОТИВ" — НИМЧОРАК ФИНАЛДА

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси турнири гуруҳларида сўнгги тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Ушбу нуфузли турнирнинг "А" гуруҳида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган пойтахтимизнинг "Локомотив" жамоаси сўнгги турда БААнинг "Ал-Наср" клуби билан Тошкентда куч синашди. Сафарда кечган баҳсда ғалаба қозониб муҳим очколарга эга бўлган темирйўлчилар Тошкентдаги беллашувда мағлубиятга учрамасалар кейинги босқичга чиқиш имкониятига эга бўлишарди. Шу боис ҳам ҳамшаҳарларимиз "Ал-Наср"га қарши учрашувда анча хотиржам ҳаракат қилишди ва кескин курашлар остидаги баҳс 0:0 ҳисобида якунига етди. Ушбу натижа "Локомотив"га Осиё чемпионлар лигаси турнирининг нимчорак финалида қатнашиш имкониятини яратди.

Шунингдек, Осиё чемпионлар лигасининг "С" гуруҳида қатнашган "Пахтакор" сўнгги турда ўз майдонида БААнинг "Ал-Жазира" командасини қабул қилди. "Пахтакор"нинг устунлигида кечган беллашув 3:0 ҳисобида ҳамшаҳарларимизнинг ғалабаси билан якунланди. Аммо, ушбу гурухдаги Эроннинг "Тракторсози" ва Саудия Арабистонининг "Ал-Ҳилол" жамоалари ўртасидаги учрашувда эронлик футболчилар 1:2 ҳисобида мағлубиятга учрашди. "Пахтакор"дан очколар ҳисобига ўзиб кетган "Ал-Ҳилол" нимчорак финалга йўл олди.

БААнинг "Ал-Айн" клуби меҳмони бўлган "Насаф"га ҳам ушбу турда омад кулиб боқмади. Ўйин 2:0 ҳисобида мезбонларнинг ғалабаси билан якунига етди.

Қатарда "Лаҳвия" жамоаси билан куч синашган "Бунёдкор" тенгма-тенг кечган беллашувда 0:0 ҳисобидаги дурангга эришди.

Хулоса қилиб айтганда Осиё чемпионлар лигасининг кейинги босқичига "Локомотив" йўл олди. Энди темирйўлчилар нимчорак финалда Саудия Арабистонининг "Ал-Ҳилол" клубига қарши майдонга тушишади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Пойтахтимизда боулинг бўйича ўтказилган "Tashkent Open — 2016" мусобақасида олтмиш нафардан зиёд спортчилар ўз омадларини синовдан ўтказишди.

ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ УСТУН КЕЛДИ

Мусобақа давомида кучли бешликдан ўрин эгаллаган иштирокчиларнинг нишонга йўллаган шарлари аксарият ҳолларда мўлжалга аниқ бориб тегди. Тажриба ва маҳорат бобида рақибларига қараганда устун бўлган Сергей Андреев эса 300 очко жамғарган ҳолда бу йилги турнир ғолибига айланди.

Чиройли ўйини билан мухлислар олқишига сазовор бўлган яна бир боулингчи Иван Семёнов иккинчи поғонадан жой олган бўлса, Надежда Кораблинович баллар бўйича кичик фарқ билан ортда қолдирган Ян Корша учинчи ўринга сазовор бўлди.

Мусобақа якунида шоҳсупага кўтарилган спортчилар қаторида юқори натижа кўрсатган боулинг усталари ҳам ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланишди.

ЮҚОРИ НАТИЖА КЎРСАТДИ

Жанубий Кореянинг Чунгжу шаҳрида академик эшкак эшиш бўйича Осиё қитъаси учун Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган олимпия ўйинларига йўлланма берувчи халқаро мусобақа ўз якунига етди.

Қувонарлиси, бу турнирда юқори натижа кўрсатган ҳамюртимиз Шаҳбоз Холмирзаев ушбу спорт тури бўйича Бразилияда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

Беллашувлар давомида эшкак эшувчи атлетимиз Хитой Таипейи, Вьетнам, Эрон, Гонгконг ва Малайзия вакиллари билан бир гуруҳда баҳс олиб борди. Шаҳбоз белгиланган масофани босиб ўтиш учун 07:13.83 дақиқа вақт сарфлаган ҳолда гуруҳ ғолибига айланди. Спортчимиз томонидан қайд этилган мазкур кўрсаткич олимпиада йўлланмасини қўлга киритишга етарли бўлди.

Ботир ХЎЖАЕВ

"101"

БЕПАРВО БЎЛМАНГ!

Кундалик турмушда оловнинг ўрни беқиёс, бироқ ундан фойдаланишнинг ҳам ўз йўли, қонун-қоидалари бор. Уларга доимо амал қилсаккина ҳаётимиз бехавотир, тинч, осуда кечади.

Биз шу оддий, аммо аҳамияти катта бўлган йўл-йўриқлардан доимо огоҳ бўлмоғимиз даркор. Зеро, олов билан ҳамнафас ҳаётимиз биздан доим ҳушёр бўлишни талаб этади. Баъзи ҳолатларда ёнғин чиқишига ота-оналарнинг ўзлари сабабчи бўлади. Болалар қўлига тушиб қолган гугурт ва қаровсизлик натижасида ёнғинлар келиб чиқиши ҳолатлари кузатилган.

Шундай нохушликларнинг олдини олиш, турар жой биноларининг ёнғинга қарши ҳолатини мустаҳкамлаш ишларига барча эътибор қаратса, ўз уйимиз, мол-мулкимиз ва фарзандларимизнинг ҳаётини хавф-хатардан сақлаб қоламиз.

Сарвар АМАНТУРДИЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 28-ҲЁХҚ инспектори, сержант

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига

ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳри бўйича

Шайхонтоҳур туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олмазор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олмазор туман 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чилонзор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Яшнобод туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2016 йил 9 июнь).
Телефонлар: (0-371) 236-78-52, 233-44-48.

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи тақроран қўйилади:

Обеъкт номи: "Madaniy qurilish" шўъба корхонаси (мол-мулклари билан бирга).

Бошланғич нархи – 10 711 585 сўм.

Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида жойлашган.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 1 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1 "А"-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 16 июнь, 1, 18 июль, 2 август кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт; www.1kms.uz. www.gki.uz. www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*— 14-16, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **13 май ва 14 май** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **13 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9221

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 555

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10290 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 13.50

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ